



222

15 у.р. "18" феврал

№ 229-К

Samarqand t-p Самарканд

Самарканд тумани "Қўштамғали" кишлоқ фуқаролар йиғини "Конигил агротехсервис" агрофирмаси ҳудудидан "Badal qurilish maxsulot savdo" хусусий корхонасига маъмурий бино ва ёрдамчи хоналар, омборхона ва пардозлаш қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарориларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2015 йил 13 февралдаги 55 рақамли баёни, «Қишлоққурилишлойиҳа» хусусий корхонаси бош лойиҳа қидирув институтининг 2015 йил 3 февралдаги 2-15/21-53-сонли хулосаси, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2014 йил 22 декабрдаги 1697-сонли хулосаси ва «Badal qurilish maxsulot savdo» хусусий корхонасини туман ҳокимлигига берган хати ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2015 йил 13 февралдаги 55 рақамли баёни ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Самарқанд туман «Badal qurilish maxsulot savdo» хусусий корхонасига маъмурий бино ва ёрдамчи хоналар, омборхона ва пардозлаш қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун Самарқанд туман «Қўштамғали» кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Конигил агротехсервис» ер харитасининг 10 контуридан жами 0,80 га (шундан: 0,80 га кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. Маъмурий бино ва ёрдамчи хоналар, омборхона ва пардозлаш қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси «Badal qurilish maxsulot savdo» хусусий корхонаси директори А. Кенжаев зиммасига юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О. Исмоилов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (У. Очилов)га топширилсин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари К. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров